

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

2022 й. «16» 9

69-12-177-ОВ/2022-  
СОН

Шовот ш.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Хоразм вилояти Шовот туман Ободонлаштириш бошқармаси** номидан **Устав** асосида иш кўрувчи бошлиқ **М.Қурбонов** бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **\_UYG'UR QURILISH SERVIS MSHJ\_** номидан **Устав** асосида ҳаракат қилувчи корхона раҳбари **А.Ахмедов** иккинчи томондан **Шовот тумани “Дўстлик” маҳалласида пиёдалар йўлакчасини ва тунги ёритиш чироқларини жорий таъмирлаш ишлари** бўйича қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш бўйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар қўлланилади;

**-ижро ҳужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**-қурилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади;

**-вақтинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**-беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**-шартнома нархини бўлиб чиқиш** – ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга таксимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ **Шовот тумани “Дўстлик” маҳалласида пиёдалар йўлакчасини ва тунги ёритиш чироқларини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш** объектида кузда тутилган лойиха бўйича жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда кўшилган қиймат солиғи билан бирга **350 000 000 (уч юз эллик миллион)** сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар қиймати Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқ муддатга ўзгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлашни таъминлайди;
- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
- Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
- қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;
- қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;
- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;
- қурилиш майдони кўриқланишини таъминлаш;
- қурилишда таваккалчилик суғуртаси учун белгиланган суммага суғурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик суғуртаси тўғрисида шартнома тузади ва суғурта шартномаси билан суғурта полисини буюртмачига тақдим қилади.
- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган ўзининг 20% га тенг бўлган ва унга хизмат кўрсатувчи банк томонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада қўзда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи ҳужжатларни (исполнительная документация) тулиқ ҳажмда тақдим қилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулиқ мулкий жавоб беради.

#### **V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврга далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда қуриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
- молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулиқ ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади;

12. Буюртмачи мазкур шартномада қўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тулиқ мулкий жавоб беради.

#### **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.**

13. Шартнома томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб кучга киради.
14. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофик ишларни бажаради
15. Объектни « 16 » « октябрь » 2022 йил фойдаланишга топширилиши белгиланади.

## **VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР**

16. Шартнома бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар миллий валюта - «сўмда» қилинади.
17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% миқдорида аванс ўтказилади, бу **105 000 000 (бир юз беш миллион)** сўмни ташкил этади.
18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун маблағлар буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан беш банк кунда молиялаштирилади ва қолган 70 % миқдоридаги тўлов ишларни бажариш жадвали ҳамда Буюртмачи ва Пудратчи ўртасида тузиладиган тўлов графиги асосида амалга оширилади. (1,2-иловалар)
19. Буюртмачи тамонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган ҳолда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширади.
20. Пудратчининг ҳисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект қурилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект қурилишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тўлаш, объект қурилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тўлаш учун ва Ушбу объект қурилишининг бошқа харажатларига қатъий сарфланади.
21. Пудратчи жорий молиялаштириш учун ҳисобот ойнанинг охириги кунигача ва якуний молиялаштириш учун ҳисоб китоб учун қурилиш монтаж ишлари миқдори, харажатлари тўғрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома ҳисоб-варақ-фактурани» ўзи тузиб тақдим қилади. Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.
22. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний ҳисоб-китоб учун, бажарилган қурилиш-монтаж ишларини миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сўнг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома-ҳисоб-варақ-фактура» асос булади.
23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлайди. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

## **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.**

24. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.
25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.
26. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.
27. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.
28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.
29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.
- Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечинкиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

## **IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.**

30. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

31. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

32. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **XI. КАФОЛАТЛАР.**

33. Пудратчи:

- барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;
- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи камчиликларни умумий суммасини 20% миқдорида жарима солиш ҳуқуқига эга.

## **XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.**

34. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

35. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

36. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

37. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

38. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

39. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## **XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

40. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида» ги қонунида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 395 сонли қарори билан, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи тамонга етказилган зарарларни қоплайди.

41. Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлади ва:

- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома бўйича бунинг оқибатида кечиктирилган ҳар бир кун учун ишларни бажариш жадвалида бажариш кузда тутилган ишларнинг бажарилмаган қисмининг 0.5 % миқдорида жарима тўлайди;
- буюртмачининг ҳисоб рақамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини уч банк иш кунини сабабсиз пудратчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бермасаб кечиктирилган ҳар бир кун учун ушлаб турилган сумманинг 0.4% миқдорида жарима тўлайди;
- шартномага мувофиқ ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар ҳажмини асоссиз равишда қабул қилиб тасдиқлашдан бош тортгани учун ушбу қабул қилиш, тасдиқлашдан бош тортган сумманинг 5% миқдорида жарима тўлайди;
- шартнома шартларига мувофиқ тайёр ҳолда қабул қилиш учун тақдим қилинган объектни асоссиз равишда қабул қилишдан бош тортса шартнома қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;

42. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида қуйидаги ҳолларда мулкӣ жавобгар бўлади ва:

- Ишларни бажариш жадвалида белгилангандан кам ҳажмда ишларни бажарса, мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмидан ҳар кечиктирилган кун учун 0.5% миқдорда пеня тўлайди.
- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан ҳисобот ойнанинг охири кунига қадар тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;
- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган қисмининг 5% миқдорида жарима тўлайди;
- объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр ҳолда фойдаланишга топширмаса шартнома қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;
- Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси тамонидан аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ун кундан ортиқ бўлмаган) муддатда бартараф қилмаса ушбу аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20% миқдорида жарима тўлайди.

43. Агарда томонлардан бири ўз реқвизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, корхона атамаси ёки мақомини нотўғри берса ва ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи тамонга ёзма хабар бермаса айбдор томон иккинчи тамонга шартнома баҳосининг 0,1% миқдорида жарима тўлайди.

44. Бир тамоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тўғри келса, айбдор томон иккинчи тамонга барча зарарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.

45. Тамонларнинг мулкӣ жавобгарликка тортилиб тўлайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартномада назарда тутилган мажбурият бажарилмаган қийматининг 50% ошмаслиги керак.

46. Тамонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкӣ талабларини далолатнома асосида тўлов талабномаси бўйича ақцептсиз амалга оширишга ҳақлидир.

#### **XIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.**

47. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки ўзгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган барча низоли масалаларни томонлар муҳокама билан келишувга эришмасалар, у ҳолда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий судга мурожат қилишлари мумкин.

#### **XV.КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР**

48. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилмасликка келишиб оладилар.
- 48.1. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.
- 48.2. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор

шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради

### XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

49. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

50. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

51. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

52. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

53. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

54. Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-қонун ҳужжатларига Қ.Қ.С. тўғрисида ўзгартиришлар киритилса қайта куриб чиқилади.

55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.

56. Мазкур шартнома тамонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва барча кузда тутилган шартнома шартлари тўлалигича бажарилгунга қадар амал қилади.

57. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

58. Мазкур шартнома «\_31\_» «\_декабр\_» 2022 йилгача амал қилади.

59. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПК-594 сонли қарорига асосан Газначилиқда руйхатга олингандан кейин кучга қонуний киради.

### XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

#### БУЮРТМАЧИ:

#### ПУДРАТЧИ:


Шовот туман Ободонлаштириш бошқармаси	"UYG'UR QURILISH SERVIS" mas'uliyati cheklangan jamiyati
Манзили: Шовот туман "Туркистон" кўчаси, 78-уй	Манзили: Xorazm viloyati, Yangibozor tumani, Qalandardo'rman QFY
Тел/факс: (62) 34-51-661	Тел/факс: +99893 289 70 70
X/p: 100022860332307065200110006	X/p: 2020 8000 5049 0529 6001
СТИР: 206945071	СТИР: 301942869
ИФУТ: 70100	ИФУТ: 41202
Банк: Марказий банк Ташкент шаҳри ХКМК	Банк: Хамкор банк урганч
МФО: 00014	МФО: 01020

Бошлиқ,

М.Ў.



М.Курбанов



Директор

А.Ахмедов

(имзо)

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

1. Loyihaning turi: **Shartnoma**

2. Loyihaning nomi va mazmuni: **Pudrat shartnomasi**

«Shovot tuman obodonlashtirish boshqarmasi» keyingi o‘rinlarda «Buyurtmachi» deb yuritiladigan Nizom asosida faoliyat yurituvchi rahbari **M.Qurbanov** bir tomondan, «Uyg‘ur qurilish servis» MChJ keyingi o‘rinlarda «Pudratchi» deb yuritiladigan Nizom asosida faoliyat yurituvchi rahbari **A.Axmedov** ikkinchi tomondan Shovot tuman, “Do‘stlik” mahallasida piyodalar yo‘lakchasi va tungi yoritish chiroqlarini joriy ta‘mirlash bo‘yicha umumiy qiymati **350 000 000** so‘mlik shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma‘lumot: **Shovot tuman obodonlashtirish boshqarmasi** tomonidan **15.09.2022-yilda** ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

4. Loyihaning amaldagi qonun hujjatlariga muvofiqligi:

Ushbu loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni **qabul qilish maqsadga muvofiq.**

**Markaz bosh yuriskonsulti:**

**16.09.2022-yil**



**P.B.Saitmetov**





Шовот тумани "Дўстлик" маҳалласида пиёдалар йўлакчасини ва тунги чироқларини жорий таъмирлаш ишлари  
 бўйича ойлар давомида иш  
 жадвали

№	Объект номи ва манзили	Иш хажм бирлиги. (сўм)	2022 йил учун иш хажм бирлиги киймати (сўм)															
			1 чорақ			2 чорақ			3 чорақ			4 чорақ						
			Январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр				
1	Шовот тумани "Дўстлик" маҳалласида пиёдалар йўлакчасини жорий таъмирлаш ва тунги чироқларини ўрнатиш	350 000 000																
	Жами:															105 000 000	245 000 000	245 000 000



*M. Kurbonov*  
 (буюртмачи)

М.Курбонов



*A. Akhmedov*  
 (пудратчи)

А.Ахмедов



Ўзбекистон Республикаси  
Қурилиш вазирлиги

№ 8163-6162-e3cd-6f1a-b9b3-3772-2334  
Ҳужжат яратилинган сана: 2022-07-29  
Ариза рақами: 56920686

Ҳужжат берилган: "SHOVOT TUMANI  
OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI" DAVLAT  
MUASSASASI  
ЖШП ШИР: 206945071

**АРХИТЕКТУРА-РЕЖАЛАШТИРИШ  
ТОПШИРИҒИ**

29.07.2022 17:07 й.  
1733-1733230-47368 -сон

Лойиҳавий бино (иншоот) тури:	Пиёдалар йўлакчаси қуриш ва 27 та тунги ёритгич ўрнатиш учун лойиҳалаштиришга;
Лойиҳавий бино (иншоот)нинг манзили:	Шовот тумани Дўстлик маҳалласи;
Лойиҳавий бино (иншоот)нинг буюртмачиси:	"SHOVOT TUMANI OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI" давлат муассасаси

Ушбу архитектура-режалаштириш топшириғи фақат лойиҳалаштириш ишларини амалга ошириш учун ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланиб, қурилиш-монтаж ишларини бошлашга асос бўла олмайди. Қурилиш бош бошқармасининг манзили ва телефон рақамлари: Урганч шаҳар Ал-Хоразмий 30 уй;

#	Архитектура-режалаштириш топшириқларининг қисмлари	Қисмларнинг мазмуни
1	Архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш учун асос бўлган ҳужжатлар	"SHOVOT TUMANI OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI" давлат муассасасининг 27.07.2022 йилдаги 56920686-сонли аризаси, Халқ депутатлари Шовот туман кенгашининг 07.07.2022 йилдаги VI-59-104-12-177-Қ/22-сонли қарори,
2	Лойиҳалаштириладиган бино ва иншоот (кейинги ўринларда объект деб аталади) ер участкасининг жойлашиши ва бош режада тутган ўрни	а) объектнинг расмий манзили Шовот тумани Дўстлик маҳалласи; б) объект жойлашган ҳудуд кишлок хўжалик ер харитасидан кўчирма. в) объект жойлашган ҳудуд муҳандислик тармоқлари билан таъминланган.
3	Лойиҳалаштириладиган объект ҳудудининг табиий-иклим кўрсаткичлари	Лойиҳалаштириладиган объектнинг ер участкаси I-B- иклим (климат) ҳудудида жойлашган. Ҳаво ҳарорати: ўртача йиллик +12,4 о С энг баланд ҳарорат + 45,1о С энг паст ҳарорат -28,4о С Июнь — август ойларида + 45,1о С Декабрь — февраль ойларида -28,4о С



4	Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасининг геологик ва топографик жиҳатдан ўрганилганлиги	Ҳолатни ўрганиш учун тегишли лицензияга эга ташкилотга 1:500 нисбатдаги топохарита ишлаб чиқиш учун буюртма бериш.
5	Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасининг чегаралари ҳамда унга туташ объектлар ёки ер участкалари тўғрисида маълумот	Лойиҳалаштириш учун танланган ер майдони қуйидагича чегараланган: Шимол томондан — мавжуд объектлар ва канал билан чегараланган; Жануб томондан— мавжуд объектлар билан чегараланган; Шарқ томондан — мавжуд объектлар билан чегараланган; Ғарб томондан — мавжуд объектлар билан чегараланган;
6	«Қизил чизиклар ва белгилар»	Объект ер участкасининг тасдиқланган чегарадан чиқмасдан, қурилиш чизикларига амал қилган ҳолда лойиҳа ишларини олиб борилиши таъминлаш.
7	Архитектура талаблари	а) шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига амал қилиш; б) аҳоли пунктининг тасдиқланган бош режасига ва унинг тегишли қисмининг батафсил режалаштириш лойиҳасига қатъий риоя этиб, объект атрофидаги мавжуд биноларга боғланган ҳолда ягона архитектура кўринишини ташкил этиш лозимлигини инобатга олиш; в) объектни реконструкция қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқишни бошлашдан олдин айрим ҳолатларда (буюртмачининг талабига биноан ёки ташки кўринишидан авария ҳолатининг аломатлари мавжуд бўлганда) тегишли лицензияга эга бўлган лойиҳа ва бошқа ташкилотларнинг объектнинг ҳолати бўйича хулосасини олиш; г) ушбу АРТга мувофиқ буюртмачи томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, алоҳида муҳим объектлар бўйича вилоят қурилиш бош бошқармаси билан келишилган лойиҳа топшириқларига, 1:500 нисбатдаги топохаритадаги тасдиқланган чегараларга амал қилиш; д) объектнинг 1:500 нисбатдаги бош режасини лойиҳалаштиришда лойиҳа ташкилоти томонидан ихтисоси ўзгараётган ва реконструкция қилинаётган бино жойлаштирилган ҳамда объект атрофида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари акс эттирилган, объектга кириш-чиқиш йўллари ва автомобиллар тўхташ жойлари ташкил этилиши назарда тутиш; е) объектда қуйидаги кичик архитектура шакллари ўрнатилиши назарда тутилсин; ж) “Ер кодекси”нинг 34-моддасида белгиланган ер участкаларини бериш масалаларини кўриб чиқиш комиссияси таркибидаги ташкилотларнинг хулосаларини олиш ва шуларга асосан ҳудуднинг батафсил режалаштириш лойиҳаси ишлаб чиқилсин.
8	Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасида мавжуд бино ва иншоотларни бузиш ёки фойдаланиш бўйича таклифлар	Лойиҳачининг лойиҳа топшириғига мувофиқ: а) қурилиш учун ажратилган ер участкасида бузилишга тушадиган бино ва иншоотларга аниқлик киритилсин; б) қурилиш учун ажратилган ер участкасида мавжуд бино ва иншоотлардан фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилсин.
9	Объектни босқичма-босқич қуриш	Қурилишнинг мураккаблигига ва буюртмачи томонидан бериладиган лойиҳа топшириғига мувофиқ қурилишни босқичма-босқич олиб бориш ва фойдаланишга топшириш жараёнлари назарда тутиш.

10	<b>Ер майдонини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш</b>	Лойиҳанинг ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш қисмида қуйидагилар инобатга олинади: а) объект жойлашадиган ҳудудда иқлим шароитларини инобатга олган ҳолда манзарали дарахтлар, буталар ва гуллар экиш; б) тегишли ҳудудлари кўкаламзорлаштирилганлиги; в) ландшафт архитектурасининг ечимларидан фойдаланган ҳолда дарахтларнинг қандай шаклларда бўлиши; г) мавжуд кўп йиллик дарахтларнинг сақланиб қолиши.
11	<b>Санитария-гигиена талаблари</b>	а) лойиҳалаштиришда санитария-гигиена талабларига риоя этиш; б) лойиҳалаштириш жараёнида қурилиш материаллари турларини белгилашда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақиқланмаган ва санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган қурилиш материалларидан фойдаланилиши шартлиги кўзда тутиш; в) объект қурилиши учун танланган ер майдонидан оқиб ўтувчи канал ёки ариқ мавжуд бўлган тақдирда, лойиҳадаги сув йўналиши ҳамда сувнинг муҳофаза зоналарини сақлаш ва қирғоқларни ободонлаштириш ва мустаҳкамлаш ишлари лойиҳалаштириш жараёнида инобатга олиш.
12	<b>Ёнғиндан сақланиш талаблари</b>	Объект «Бинолар ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги» ШНҚ 2.01.02-04 га асосан лойиҳалаштириш.
13	<b>Экология талаблари</b>	Лойиҳалаштиришда экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш меъёрларига амал қилиш.
14	<b>Лойиҳани келишиш</b>	Лойиҳани АРТга мувофиқлиги юзасидан ЯИДХП ёки Давлат хизматлари маркази орқали қуйидаги идоралар билан келишилади: а) Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармалари ҳузуридаги ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгаши билан — тарихий зоналарда, шу жумладан, маданий ёдгорликларнинг қўриқлаш зоналарида қуриладиган объектларнинг ҳамда давлат объектларининг лойиҳалари; б) Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармалари томонидан — икки қаватдан юқори (цоколни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган бино ва иншоотларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари; в) туман (шаҳар) қурилиш бўлимлари томонидан — икки қаватгача (цоколни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан паст ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан кам бўлган бино ва иншоотларни ҳамда яқка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари; Келишиш учун лойиҳа-смета ҳужжатларининг электрон кўринишдаги эскиз лойиҳаси илова қилинади. Илова қилинадиган ҳужжатлар PDF ёки JPEG форматда бўлиши керак.



15	Қўшимча талаблар	Лойиҳани келишиш давомида Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармалари ёки улар ҳузуридаги ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик Кенгашлари ёки туман (шаҳар) қурилиш бўлимлари томонидан берилган тавсиялар ва экспертиза хулосасида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш. Қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ қурилиш жараёнида белгиланган тартибда лойиҳа ташкilotи томонидан объектда муаллифлик назоратини олиб боришни таъминлаш; лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш; давлат қурилиш назорати амалга оширилиши шарт бўлган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун объектни рўйхатдан ўтказиш.
----	------------------	--

**Муҳандислик тармоқларига уланиш шартлари:**

16	Ичимлик сув тармоғи	-
17	Оқава сув тармоғи (канализация)	-
18	Электр тармоғи	-
19	Газ тармоғи	-
20	Телефон алоқа тармоғи	Лойиҳаланаётган объект ичида телефония, маълумотлар узатиш ва интернет тармоқлари, кабель телевидения ва эфир телевидениясини жамоавий қабул қилиш тизимлари, шунингдек, "хавфсиз уй" ва қўриқлаш сигнализацияси кабелларини ўтказиш учун паст токли кабель шахталари ўрнатилиши кўзда тутилсин.
21	Иссиқлик ва иссиқ сув тармоғи	-
22	Дренаж тармоғи	-
23	Объектни муҳандислик тармоқларига уланиш бўйича буюртмачига ва лойиҳа ташкilotига қўйилаётган талаблар	Объектни муҳандислик тармоқларига улаш тартиб-таомилларини белгиловчи амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш. Объектга уланадиган ер ости ва ер усти муҳандислик тармоқлари унга чегарадош ўзга ер участкасидан ўтказиладиган ҳолатларда муҳандислик тармоқларининг трассалари ушбу ер участкалари эгалари билан келишиш. Объектга тегишли ер участкаси ҳудудидан ўтган ер ости ва ер усти муҳандислик тармоқлари кўчирилиши (зарурат бўлганда) лойиҳада инобатга олиш. Объектга уланадиган ер ости муҳандислик тармоқларини ётқизишда кўчаларни кесиб ўтишни мутасадди ташкilotлар билан келишиш.
24	Архитектура-режалаштириш топшириғининг амал қилиш муддати	Ушбу АРТ берилган санадан бошлаб икки йил давомида амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги "2022-2026 йилларда "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида"ги ПК-172-сонли қарорига асосан Шовот тумани "Дўстлик" маҳалласида 1,1 км узунликда пиёдалар йўлакчаси қуриш ва 27 та тунги ёриғич ўрнатилуш учун жойлашув харитаси



ТАСВІҚЛАЙМАН:  
Шовот тумани ҳокими

О.Артқов

КЕЛИШИЛДИ:  
Шовот тумани ҳокими ўринбосари  
В. Отажанов

КЕЛИШИЛДИ:  
Шовот тумани ҳурият бўлими бошлиги  
С. Хужаниязов

КЕЛИШИЛДИ:  
Шовот тумани ободонлаштириш бошқармаси бошлиги  
М. Курбанов

КЕЛИШИЛДИ:  
Шовот тумани Дўстлик Мей раёси  
И. Ражабов

**АРХИТЕКТУРА-РЕЖАЛАШТИРИШ ТОПШИРИҒИНИ ИШЛАБ ЧИҚДИ:**

Архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш бўлими раҳбари:	Қ.Аллаберганов;
Архитектура-режалаштириш топшириғини тайёрлаган мутахассис:	Д.Кутлимуратов;

**АРТ лойиҳаолди ҳужжат бўлиб, ер участкаси ёки бино ва иншоотга мулк ҳуқуқини тасдиқламайди ҳамда қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун асос ҳисобланмайди.**

ALLABERGANOV KUVANDIK PULATOVICH

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси бўлиб, давлат органлари томонидан ушбу ҳужжатни қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланади. Ҳужжат ҳақиқийлигини [gero.gov.uz](http://gero.gov.uz) веб-сайтида ҳужжатнинг ноёб рақамини киритиб ёки мобил телефон ёрдамида QR- кодни сканер қилиш орқали текшириш мумкин.

0501





## XALQ DEPUTATLARI SHOVIOT TUMANI KENGASHI QARORI

2022 - yil 7 - iyul

VI-59-104-12-177-K/22

Shovot tuman hokimligi

O‘zbekiston Respublikasi “Budjet” kodeksining 119; 126 moddalariga muvofiq tuman hokimligining mahalliy Budjet mablag‘larining 2022 yil 1-yanvar holatiga erkin qoldiq mablag‘lari hisobidan mablag‘ ajratish yuzasidan takliflarini atroflicha muhokama qilib, Xalq deputatlari tuman Kengashi

### QAROR QILADI:

- 1.Shovot tuman hokimligining tuman mahalliy Budjetining 2022 yil 1-yanvar holatiga erkin qoldiq mablag‘lari hisobidan mablag‘ ajratish to‘g‘risidagi taklifi ma’lumot uchun qabul qilinsin.
- 2.“Obod qishloq”, “Obod mahalla” dasturi doirasida 2022 yilda tumandagi “Do’slik” hamda “Qo’shko‘pir” mahallalarda qurilish, ta’mirlash va obodonlashtirish ishlarini amalga oshirish maqsadida **400.0 mln** (to‘rt yuz million) **so‘m** mablag‘ tuman Obodonlashtirish boshqarmasiga ajratilsin.
- 3.Budjetga tegishli o‘zgartirish kiritish tuman moliya bo‘limi mudiri v.v.b. (R.Matniyazov)ga yuklatilsin.
- 4.Tuman G‘aznachilik bo‘linmasi (U.Bobojonov) ajratilgan mablag‘ni belgilangan tartibda o‘tkazilishini ta’minlasin.
- 5.Ushbu qarorning ijrosini nazorat qilish tuman xokimining birinchi o‘rinbosari S.Saidov hamda Xalq deputatlari Shovot tuman Kengashining mahalliy budjet, iqtisodiy islohotlarni amalga oshirish, investsiyalar va tadbirkorlikni rivojlantirish masalalari bo‘yicha doimiy komissiyasi raisi (G.Dosova) zimmasiga yuklatilsin.
- 6.Ushbu qaror qabul qilingan kundan kuchga kiradi.



Xalq deputatlari Shovot tuman  
Kengashi deputati, sessiya raisi

U. Ruzmetov



XALQ DEPUTATLARI SHOVOT TUMAN KENGASHI  
QARORI

2022-yil 27-iyul kuni o'tkazilgan sessiya 14-sonli qo'shimchasida...

Shovot tuman aholisining turar joylarini ta'minlash bo'yicha...

QAROR QILADI

1. Shovot tuman aholisining turar joylarini ta'minlash bo'yicha...

2. Shovot tuman aholisining turar joylarini ta'minlash bo'yicha...

3. Shovot tuman aholisining turar joylarini ta'minlash bo'yicha...

4. Shovot tuman aholisining turar joylarini ta'minlash bo'yicha...

5. Shovot tuman aholisining turar joylarini ta'minlash bo'yicha...